ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

ШНҚ 2.04.14-22 «УСКУНАЛАР ВА ҚУВУРЎТКАЗГИЧЛАРНИ ИССИҚЛИК ИЗОЛЯЦИЯСИ» ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 17 январда ҳисобга олинди, ҳисоб рақами 137]

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига мувофиқ буюраман:

1. ШНҚ 2.04.14-22 «Ускуналар ва қувурўтказгичларни иссиқлик изоляцияси» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисининг 1996 йил 15 июлдаги 54-сон буйруғи билан тасдиқланган ҚМҚ 2.04.14-96 «Асбоб-ускуналар ва қувурўтказгичларни иссиқлик ҳимоялаш» қурилиш нормалари ва меъёрлари ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишилган.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир Б. ЗАКИРОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 14 декабрь,
243-сон
Келишилди:

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси
Н. ОБЛОМУРАДОВ

2022 йил 15 ноябрь

Фавқулодда вазиятлар вазири А. КУЛДАШЕВ

2022 йил 22 ноябрь

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири Ш. ХИДОЯТОВ

2022 йил 31 октябрь

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш вазирининг 2022 йил
14 декабрдаги 243-сон буйруғига
ИЛОВА

ШНҚ 2.04.14-22 «Ускуналар ва қувурўтказгичларнинг иссиқлик изоляцияси» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари

Мазкур шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (кейинги ўринларда — ШНҚ) бино ва иншоотлардаги ускуналар, қувурўтказгичлар, ҳавоўтказгичлар ва газўтказгичларнинг ташқи сиртларини ҳамда ташиладиган моддаларнинг ҳарорати минус 180 °С дан плюс 600 °С гача бўлган ташқи қурилмаларни иссиқлик изоляциясини лойиҳалашда, шунингдек иссиқлик тармоқлари қувурларини ётқизишнинг барча усулларида уларнинг ишончли, хавфсиз ишлаши ҳамда энергия тежалишини таъминлаш тартибини белгилайди.

1-боб. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар

1. Мазкур ШНҚ да қуйидаги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар келтирилган:

ШНҚ 2.01.02 — Бинолар ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги;

ГОСТ 10354 — Полиэтилен пленка. Техник шартлар *(Расмий манба: Пленка полиэтиленовая. Технические условия)*;

ГОСТ 10296 — Изол. Техник шартлар *(Расмий манба: Изол. Технические условия)*;

ГОСТ 10923 — Рубероид. Техник шартлар *(Расмий манба: Рубероид. Технические условия)*;

ГОСТ 25100 — Грунтлар. Таснифлар *(Расмий манба: Грунты. Классификация)*;

ГОСТ 17314 — Пўлат идиш ва аппаратлар иссиқлик изоляциясини маҳкамлаш учун қурилмалар. Техник талаблар *(Расмий манба: Устройства для крепления тепловой изоляции стальных сосудов и аппаратов. Конструкция и размеры. Технические требования)*;

ГОСТ 30244 — Қурилиш материаллари. Ёнувчанликка синаш усуллари *(Расмий манба: Материалы строительные. Методы испытаний на горючесть)*;

ГОСТ 14918 — Иссиқ рухланган прокат листлар. Техник шартлар *(Расмий манба: Прокат листовой горячеоцинкованный. Технические условия)*.

2-боб. Атамалар ва таърифлар

2. Мазкур ШНҚда қуйидаги атамалар ва уларнинг таърифлари қўлланилган:

иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти — иссиқлик алмашиниш юзаси бирлиги (1 $м^2$) дан вақт бирлиги давомида изотермик юзага нормал бўлган 1 m узунликка тўғри келадиган температураларнинг фарқи 1 К °С га пасайиши вақтида узатилган иссиқлик миқдори;

иссиқликни изоляция қилувчи конструкция — бир ёки бир нечта иссиқликни изоляция қилувчи материал, ҳимоя қопламаси ва маҳкамлагичлардан ташкил топган конструкция;

қоплама қатлами — механик шикастланишдан ва атроф-муҳит таъсиридан ҳимоя қилиш учун иссиқлик изоляциясининг ташқи юзасига ўрнатилган структуравий элемент;

буғ ўтказмайдиган қатлам — атроф-муҳит ҳароратидан паст ҳароратга эга бўлган ускуналар ва қувурларнинг иссиқлик изоляция қилувчи конструкциянинг элементи бўлиб, у совуқ юзадаги қисман буғ босимининг фарқи туфайли иссиқликни изоляция қилувчи қатламни сув буғи кириб келишидан ҳимоя қилувчи қатлам;

текисловчи қатлам — сирт шаклини текислаш учун юмшоқ қопламали (масалан, лакланган шиша толали) қатлам остида ўрнатилган эластик прокат ёки қатламли материаллардан тайёрланган иссиқликни изоляция қилувчи конструкция элементи.

3-боб. Умумий қоидалар

3. Мазкур ШНҚда келтирилган талаблар портловчи моддалар ташиладиган ускуналар ва қувурўтказгичлар, суюлтирилган газларнинг изотермик сақлагичлари, портловчи моддалар

ишлаб чиқарилувчи ва сақланувчи бино ва хоналар, атом электр станциялари ва қурилмаларининг иссиқлик изоляциясини лойиҳалашга татбиқ этилмайди.

4. Иссиқликни изоляция қилувчи конструкциялар эксплуатация даврида ускуналар ва қувурўтказгичларнинг иссиқлик йўқотишларини меъёрий даражасини ҳамда уларнинг ташқи юзалари одамлар учун хавфсиз бўлган ҳароратни таъминлаши керак.

5. Ускуналар ва қувурўтказгичларнинг иссиқлик изоляция қилувчи конструкциялари қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

энергия самарадорлик;

эксплуатация давридаги ишончлилик ва узоқ муддатга чидамлилик;

фойдаланиш ва утилизация қилиш вақтида атроф-муҳит ва хизмат кўрсатувчи ходимлар учун хавфсиз бўлиши.

6. Иссиқликни изоляция қилувчи конструкцияда ишлатиладиган материаллар эксплуатация даврида зарарли, ёнувчи ва портловчи, ёқимсиз ҳидли моддаларни, шунингдек патоген бактериялар, вируслар ва замбуруғларни санитария меъёрларида белгиланган максимал концентрациялардан ошиб кетадиган миқдорда чиқармаслиги лозим.

7. Мусбат ҳароратли (20 °С ва ундан юқори) сиртлар учун иссиқлик изоляция қилувчи конструкцияларнинг таркибига кирувчи материаллар ва маҳсулотларни танлашда қуйидаги омилларни ҳисобга олиш керак:

изоляция қилинадиган объектнинг жойлашган жойи;

изоляция қилинадиган сиртнинг ҳарорати;

ёнғинга қарши талаблар;

ташқи муҳит ёки изоляция қилинадиган объектлардаги агрессив моддалар;

коррозия таъсири;

изоляция қилинадиган объект сиртининг материали;

изоляция қилинадиган сиртга тушиши мумкин бўлган юклар ва таъсирлар;

тебранишлар ва зарбли таъсирлар;

иссиқлик изоляция қилувчи конструкциянинг талаб қилинадиган чидамлилиги;

санитария-гигиена талаблари;

иссиқлик изоляция қилувчи материални қўллаш ҳарорати;

иссиқлик изоляция қилувчи материалнинг иссиқлик ўтказувчанлиги;

изоляцияланган сиртларнинг ҳарорат деформациялари;

изоляция қилинган сиртнинг конфигурацияси ва ўлчамлари;

ўрнатиш шартлари (тор жой, баландлик, мавсумийлик ва бошқалар);

демонтаж ва утилизация қилиш шартлари.

Ер остида каналсиз ётқизилган иссиқлик тармоқлари қувурларининг иссиқликни изоляция қилувчи конструкцияси ер ости сувларининг таъсири ҳамда устки тупроқ массасидан ва унинг устидан ўтувчи транспорт воситаларидан тушадиган юклар таъсирига бузилмасдан бардош бериши керак.

8. Мусбат ҳароратли сиртларга эга бўлган иссиқлик изоляция қилувчи конструкцияларнинг таркибига қуйидаги элементлар киради:

теплоизоляция қатлами;

устки қоплама қатлами;

маҳкамлаш элементлари.

9. Манфий ҳароратли сиртларга эга бўлган иссиқлик изоляция қилувчи конструкцияларнинг таркибига қуйидаги элементлар кириши лозим:

теплоизоляция қатлами;

буғ ўтказмайдиган қатлам;

устки қоплама қатлами;

маҳкамлаш элементлари.

Ўзгарувчан ҳарорат шароитлари (+ дан – гача ва аксинча) бўлган сиртлар учун иссиқликни изоляция қилувчи конструкцияда буғ ўтказмайдиган қатламни ўрнатиш зарурати

ушбу конструкцияда намлик тўпланишини олдини олиш учун ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

10. Қабул қилинадиган конструктив ечимларига қараб, конструкция таркибига қўшимча равишда қуйидагиларни киритиш мумкин:

текисловчи қатлам;

муҳофаза қилувчи қатлам.

Металл қоплама қатламидан фойдаланилганда буғ ўтказмайдиган материалларга зарар етказмаслик учун муҳофаза қилувчи қатламни назарда тутиш лозим.

11. Иссиқликни изоляция қилувчи конструкцияда буғ ўтказмайдиган қатламни изоляция қилинган сирт ҳарорати 12 °С дан паст бўлган ҳароратда қўллаш лозим. 12 °С дан 20 °С гача бўлган ҳароратларда буғ ўтказмайдиган қатламга бўлган эҳтиёж ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

Изоляция қилинган сиртнинг коррозияга қарши қопламалари иссиқликни изоляция қилувчи конструкцияларнинг таркибига кирмайди.

4-боб. Иссиқликни изоляция қилувчи конструкцияларнинг материалларига қўйиладиган талаблар

12. Ускуналар ва қувурўтказгичнинг кўп қатламли иссиқликни изоляция қилувчи конструкцияларининг биринчи иссиқлик изоляция қатлами сифатида улар таркибидаги моддаларнинг ҳарорати 300 °С ва ундан юқори бўлган ҳолда зичлиги 350 kg/m³ дан кўп бўлмаган ва иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти ўртача 300 °С ҳароратда 0,12 W/(m•K) дан ошмайдиган иссиқлик изоляция қилувчи материаллардан фойдаланилади.

13. Ускуналар ва қувурўтказгичларни иссиқлик изолацияси учун кўп қатламли конструкцияларда (каналсиз ётқизишдан ташқари, ётқизишнинг барча усуллари учун) иккинчи ва ундан кейинги иссиқлик изоляция қатлами сифатида улар таркибидаги моддаларнинг ҳарорати 300 °С ва ундан юқори бўлганда зичлиги 200 kg/m³ дан кўп бўлмаган ва ўртача 125 °С ҳароратда иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти 0,08 W/(m•K) дан ошмайдиган иссиқлик изоляция қилувчи материаллардан фойдаланилади.

14. Ускуналар ва қувурўтказгичларнинг иссиқликни изоляция қилувчи конструкцияларида (каналсиз ётқизишдан ташқари, ётқизишнинг барча усуллари учун) ташилувчи моддаларнинг ҳарорати 20°С дан 300 °С гача бўлган ораликда зичлиги 200 kg/m³ дан ортиқ бўлмаган ва қуруқ ҳолатда ўртача ҳарорат 25 °С да иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти 0.06 W/(m•K) дан ортиқ бўлмаган иссиқлик ўтказмайдиган материаллар ишлатилиши керак.

15. Мусбат ҳароратли моддаларга эга бўлган ускуналар ва қувурўтказгичларнинг иссиқлик изоляция қатламлари учун (каналсиздан ташқари) барча ўтказиш усулларида ўртача зичлиги 400 kg/m³ дан ва иссиқлик ўтказувчанлиги 0,07 W/(m•K) дан ортиқ бўлмаган (25 °С ҳароратда ҳамда буюмлар учун техникавий шартларда кўрсатилган намликда) материал ва буюмлардан фойдаланиш лозим.

Ҳарорати 400 °С дан юқори бўлган сиртларни изоляциялаш учун биринчи қатлам тарзида иссиқлик ўтказувчанлиги 0,07 W/(m•K) дан ортиқ бўлган буюмлардан фойдаланиш мумкин.

16. Манфий ҳароратли ускуналар ва қувурўтказгичлар учун иссиқлик изоляция қатлами сифатида ўртача зичлиги 200 kg/m³ дан ортиқ бўлмаган ҳамда конструкциядаги ҳисобий иссиқлик ўтказувчанлиги 0,07 W/(m•K) дан ортиқ бўлмаган материал ва буюмлардан фойдаланиш лозим.

Иссиқликни изоляция қилувчи конструкцияларни танлашда ҳарорати 19°С дан 0 °С гача бўлган сиртларни манфий ҳароратли сиртлар қаторига ўтказиш керак.

17. Манфий ҳароратли моддали ускуналар ва қувурўтказгичлардаги буғ ўтказмайдиган материалнинг қатламлари сони ва иссиқлик изоляция қилувчи конструкциянинг хизмат қилиш муддати мазкур ШНҚнинг 1-иловасида келтирилган.

18. Қувурўтказгичларни каналсиз ётқизишда уларнинг иссиқлик изоляциясининг конструкцияси камида 0,4 МРа босим кучига эга бўлиши керак.

Каналсиз ётқизиш учун мўлжалланган қувурларни иссиқлик изоляцияси завод шароитларида бажарилиши лозим.

19. Иссиқлик изоляция материаллари ва буюмларининг ҳамда қувурўтказгичларни каналсиз ётқизишда қўлланиладиган материалларнинг ҳисобий ва техник тавсифлари мазкур ШНҚнинг 2 ва 3-иловаларида келтирилган.

20. Иссиқликни изоляция қилувчи конструкциялар қуйидагиларни таъминлаши лозим:

ускуна ва қувурўтказгичларнинг изоляцияланган сиртлари орқали иссиқлик оқими берилган технологик маромига ёки иссиқлик оқимининг меъёрланган зичлигига мос бўлишини;

ишлаш жараёнида зарарли, ёнғинга, портлашга хавфли, йўл қўйилиши мумкин бўлган чегаравий конденсатлардан ортиқ миқдордаги ёқимсиз ҳидли моддалар, касаллик чақирувчи бактериялар, вируслар ва замбуруғлар ажралиб чиқишини истисно қилинишини.

21. Ечиб олинадиган иссиқликни изоляция қилувчи конструкциялардан фланецли бирикмаларни, арматураларни, қувурўтказгичларнинг ёғли ва сильфон тўлдиргичларини изоляция қилишда, шунингдек изоляция қилинувчи сиртларни жойларида ўлчашлар ва ҳолатни синашда фойдаланилади.

22. Қувурўтказгичларни ер остида каналли ва каналсиз ётқизишда сочилувчан изоляция материалларидан фойдаланилмайди.

23. Фаол оксидловчи моддаларга эга бўлган ускуналар ва қувурўтказгичларни иссиқлик изоляциясида ўз-ўзидан ёниб кетувчи ва физик-кимёвий хоссаларини ўзгартирувчи, жумладан, бир-бирига текканда портлаш ҳамда ёнғин хавфи юзага келиш хоссалари бўлган материаллардан фойдаланилмайди.

24. Зарба ва вибрация таъсири остидаги ускуналар ҳамда қувурўтказгичлар учун супер юпқа базальт ёки асбест тола асосидаги иссиқлик изоляция қилувчи буюмларни қўллаш мумкин. Вибрация таъсири остида бўладиган объектлар учун сувоқли изоляция қопламаларини қўллашда сувоқ ҳимоя қопламасини бўяган ҳолда елимлаш лозим.

25. Хоналар ҳавосидаги чанг миқдорига юқори санитар-гигиеник талаблар қўйиладиган объектларни лойиҳалашда иссиқлик изоляция қилувчи конструкцияларда хона ҳавосини ифлослантирувчи материаллар қўлланилмаслиги лозим.

Намли муҳит билан ўзаро таъсирлашганда деструкцияга учраган иссиқлик изоляция қилувчи материаллар (асбестли мастикали изоляция, оҳак-кремнезёмли буюмлар, перлитцементли ва совелитли буюмлар) қўлланилмайди.

26. Иссиқлик изоляциясининг қоплама қатлами учун қўлланиладиган материалларнинг рўйхати мазкур ШНҚнинг 4-иловасида келтирилган.

27. Қувурўтказгичлар ер остига каналларсиз ётқизилганда ва уларни ўтиб бўлмайдиган каналларга ётқизишда металл қопламали қатлам қўлланилмайди.

28. Ташқи полимерли қатламга эга бўлган юпқа листли металлдан ишланган қоплама қатлами қуёш нурларининг тўғридан-тўғри таъсири остида бўлган жойларда қўлланилмайди.

29. Хоналарда, тонелларда, биноларнинг ер тўлалари ва чордоқларида жойлашган изоляция қилувчи объектлар ва каналларга ётқизиладиган қувурўтказгичлар учун алюминий фольга ёки шиша матодан ишланган қопламага эга бўлган толали материаллардан, кўпиклаштирилган синтетик каучук ва кўпиклаштирилган полиэтилендан тайёрланган буюмлар асосидаги иссиқлик изоляция қилувчи конструкцияларда қоплама қатлами қўлланилмайди.

30. Пенополимер асосидаги иссиқлик изоляция қилувчи (ёпиқ ғовакларга эга бўлган) материалларни қўллашда буғ ўтказмайдиган қатламни қўллаш зарурлиги ҳисоблаб чиқилади.

Буғ ўтказмайдиган қатлам бўлмаган ҳолларда буюмларнинг туташган жойларини (чокларини) герметиклаш лозим.

31. Ё3 ва Ё4 ёнувчанлик гуруҳидаги ГОСТ 30244 га мувофиқ материаллардан тайёрланган иссиқликни изоляция қилувчи конструкциялар қуйидаги холларда қўлланилмайди:

оловбардошлилиги IV даражали бўлган бинолар ва бинолар ичида жойлашган ускуналар ва қувурўтказгичларда;

алоҳида турувчи ускуналардан ташқари ташқи технологик ўрнатмаларда;

кабеллар, ёнувчан моддаларни ташийдиган қувурўтказгичлар ётқизилган эстакадалар ва галереяларда.

Бунда, Ё3 ёки Ё4 гуруҳидаги ёнувчан материаллар ГОСТ 30244 га мувофиқ қуйидагиларда қўлланилади:

қалинлиги 2 mm дан ошмайдиган буғ қатламида;

бўёқ қатлами ёки қалинлиги 0,4 mm дан катта бўлмаган плёнкаларда;

оловбардошлилиги I ва II даражали бўлган бинолардаги техник ертўла қаватларида ва фақат ташқарига чиқиш эшикларига эга бўлган ертўлаларда жойлашган (ёнмайдиган материаллардан ишланган 3 m узунликдаги қўйилмалар (вставкалар) қувурўтказгич узунлиги бўйича ҳар 30 m да ўрнатилганда) қувурўтказгичларнинг қоплама қатламида;

руҳланган пўлатдан ишланган қоплама қатламига эга бўлган ташқи технологик ўрнатмаларда пенополиуретандан ишланган иссиқлик изоляциясида.

32. Ё1 ва Ё2 гуруҳидаги заиф ёнувчан материаллардан ГОСТ 30244 га мувофиқ тайёрланадиган, баландлиги 6 m ва ундан юқори бўлган технологик ускуналар учун қўлланиладиган қоплама қатлами шиша матоли асосга эга бўлиши лозим.

33. Қувурўтказгичлар ва ускуналарнинг иссиқлик изоляцияси атроф-муҳит муҳофазаси ва хавфсизлик талабларининг тўлиқ бажарилишини таъминлаши лозим.

34. Ер устига ётқизиб ўтказиладиган қувурўтказгичлар учун Ё3 ва Ё4 гуруҳига кирувчи ёнувчан материаллардан ГОСТ 30244 га мувофиқ бажариладиган иссиқликни изоляция қилувчи конструкцияларни қўллашда қуйидагилар:

қувурўтказгичнинг ҳар 100 m дан катта бўлмаган узунлигида 3 m узунликка эга бўлган қўйилмалари;

ёнувчан газлар ва суюқликлар солинадиган технологик ўрнатмалардан камида 5 m масофада ёнмайдиган материаллардан ишланган иссиқликни изоляция қилувчи конструкцияларининг участкалари кўзда тутилиши зарур.

35. Қувурўтказгичларнинг ёнғин хавфсизлиги тўсиқлари билан кесишган жойларида ёнмайдиган материаллардан тайёрланган иссиқликни изоляция қилувчи конструкцияларни ёнғин хавфсизлиги тўсиғининг ўлчамига тенг бўлган чегараларда қўллаш лозим.

36. Иссиқлик ўтказгичларнинг конструкциялари ёнмайдиган материаллардан ишланган қобиқ ичида қўлланилганда ёнғин хавфсизлиги қўйилмалари қўлланилмайди.

37. Иссиқлик тармоғи қувурўтказгичларидаги иссиқликни изоляция қилувчи конструкцияларнинг ёнғин хавфсизлигига қўйиладиган талаблар ШНҚ 2.01.02 га мувофиқ белгиланади.

38. Эксплуатация жараёнида мунтазам равишда кузатишни талаб этувчи ускуналар ва қувурўтказгичлар учун йиғиладиган ва ечиладиган иссиқликни изоляция қилувчи конструкциялар қўлланилади.

Ечиладиган иссиқликни изоляция қилувчи конструкциялар люклар, қувурўтказгичларнинг фланцли бирикмалари, очиш-ёпиш арматураси ва компенсаторларини изоляциялаш учун, шунингдек изоляцияланувчи сиртларнинг ҳолатларини текшириш ва ўлчаш жойларида қўлланилади.

39. Иссиқлик изоляциясини лойиҳалашда иссиқлик изоляцияси материалининг коррозион таъсир кўрсатиш эҳтимолини ёки шу материал таркибига кирувчи кимёвий моддаларнинг намлик билан биргаликда ускуналар ва қувурўтказгичларнинг металл сиртига коррозион таъсир кўрсатишини ҳисобга олиш лозим. Изоляцияланувчи сиртнинг материалига (углеродли пўлат, легировкаланган пўлат, рангли металлар ва қотишмаларга) ва коррозия турига (оксидланиш, ишқорли коррозия, кучланиш остида дарз ҳосил бўлишига) кўра лойиҳалашга тузиладиган техник топшириқда иссиқликни изоляция қилувчи материал учун сувда эрийдиган хлоридлар, фторидлар, эркин ишқорлар ва pH материалнинг миқдорларини чегаралаш бўйича талаблар кўрсатилиши керак.

40. Қувурўтказгичларнинг изоляцияси уларни иссиқлик берувчи йўлдош қувурўтказгичлар билан биргаликда умумий иссиқликни изоляция қилувчи конструкцияга ётқизилишини кўзда тутади.

Иссиқлик изоляциясининг конструктив ечимлари йўлдошлар сони билан ва шу йўлдошларнинг конструкцияда жойлашишини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Йўлдош қувурўтказгичларда уларнинг қисман ва тўлиқ қиздирилишини кўзда тутувчи иситиш тизимлари қўлланилади.

Йўлдош ва қувурўтказгич орасида иссиқлик алмашиниш самарадорлигини ошириш учун йўлдошнинг иссиқлик берувчи сиртидан ва иссиқликни изоляция қилувчи конструкция билан чегараланган фазода қувурўтказгичнинг иссиқлик қабул қилувчи сиртидан максимал фойдаланиш имконини таъминловчи конструктив ечимлар (тиргаклар, таг қистирмалар) қўлланилади.

Иссиқликни изоляция қилувчи конструкциянинг ҳаво билан контактлашадиган участкалари орқали иссиқлик йўқотилишини пасайтириш учун иссиқлик оқимининг радиацион ташкил этувчисини камайтириш ҳисобига қалинлиги 0,1 mm бўлган алюминий фольгасидан ёки фольгаланган листли ва ўрамли материаллардан (уларни қўллашнинг йўл қўйиладиган температурасини ҳисобга олган ҳолда) тайёрланган ички қопламаларни (экранларни) қўллаш мумкин.

41. Иссиқлик изоляциясининг конструкцияси эксплуатация жараёнида унинг деформацияланишига ва иссиқликни изоляция қилувчи қатламнинг силжиб кўчишига йўл қўймаслиги керак. Ускуналар ва қувурўтказгичлар иссиқлик изоляциясининг конструкциялари таркибида конструкцияларнинг механик мустаҳкамлигини ва ишончлилигини таъминловчи таянч элементлар ва енгиллатувчи қурилмалар кўзда тутилади.

42. Қувурўтказгичлар ва ускуналарнинг вертикал участкаларида таянч конструкцияларни баландлик бўйича ҳар 3-4 m дан кейин ўрнатиш зарур.

43. Изоляцияланувчи объект материаллари ва иссиқликни изоляция қилувчи конструкция материалларининг иссиқликдан кенгайиш коэффициентларининг фарқланиши туфайли конструкцияларда юзага келадиган кучланишларни компенсациялаш учун (иссиқликни изоляция қилувчи конструкцияларнинг бутунлигини сақлаш учун) компенсацияловчи ҳарорат чокларини изоляцияланувчи сиртнинг ҳарорати 200 °С гача бўлганда 5 m дан кейин, 200 — 300 °С гача бўлганда 4 m дан кейин, 300 — 400 °С гача бўлганда 2,7 m дан кейин, 400 °С дан юқори бўлганда 2 m дан кейин кўзда тутиш зарур.

5-боб. Иссиқлик изоляциясини ҳисоблаш

44. Иссиқлик изоляция қатламининг қалинлиги қуйидагича амалга оширилади:

а) изоляцияланган сирт орқали ўтувчи иссиқлик оқимининг меъёрланган зичлиги бўйича:

очиқ ҳавода жойлашган мусбат ҳароратли ускуналар ва қувурўтказгичлар учун мазкур ШНҚ 5-иловасининг 1 ва 2-жадваллари, бино ичида жойлашганлари учун эса мазкур ШНҚ 5-иловасининг 3 ва 4-жадвалларига мувофиқ;

очиқ ҳавода жойлашган манфий ҳароратли ускуналар ва қувурўтказгичлар учун мазкур ШНҚнинг 6-иловасидаги 1-жадвал, бино ичида жойлашганлари учун мазкур ШНҚнинг 6-иловасидаги 2-жадвалга мувофиқ;

конденсат ўтказгичларни буғўтказгичлар билан биргаликда ўтиб бўлмайдиган каналларда ётқизиш учун мазкур ШНҚнинг 7-иловасига мувофиқ;

икки қувурли иссиқ сувли иссиқлик тармоқларини ўтиб бўлмайдиган каналларда ётқизиш учун мазкур ШНҚ 8-иловасидаги 1 ва 2-жадвалларга мувофиқ;

икки қувурли ер остида каналсиз ётқизишда иссиқ сувли қувурўтказгич тармоқлари учун мазкур ШНҚ 9-иловасидаги 1 ва 2-жадвалларига мувофиқ ҳисобланади.

Каналларда ва каналсиз ўтказилаётган технологик қувурўтказгичлар учун иссиқлик изоляцияси лойиҳаланаётганда иссиқлик оқимининг зичлиги меъёри айнан очиқ ҳавода ўтказиладиган қувурўтказгичлардаги каби қуйидагича қабул қилиниши лозим:

б) иссиқлик оқимининг берилган катталиги бўйича;

в) идишларда муайян вақт давомида сақланадиган модданинг берилган совиш (исиш) катталиги бўйича;

г) қувурўтказгичда ташилаётган модда ҳароратининг белгиланган пасайиши (кўтарилиши) бўйича;

д) буғўтказгичлардаги суюқ модда ҳароратини унинг музлаб қолишини ёки қовушқоқлигининг ортишини олдини олиш мақсадида белгиланган тўхтатиш вақти бўйича;

ж) изоляция сиртидаги кўпи билан қуйидагича қабул қилинувчи ҳарорат бўйича, °С:

ишчи ва хизмат кўрсатиш хоналарида жойлашган изоляция қилинган сиртлар ва улардаги моддалар учун, °С:

ҳарорати 100 °С дан юқори — 45;

ҳарорати 100 °С ва пастроқ — 35;

буғларнинг чақнаш ҳарорати — 35;

45 °С дан юқори бўлмаганда — 35.

Ишчи ёки хизмат кўрсатиш зонаси очиқ ҳавода жойлашган изоляцияланувчи сиртлар учун, бунда:

қопловчи металл қатламида — 55;

бошқа тур қоплама қатламларида — 60.

Ишчи ва хизмат кўрсатиш зонасидан ташқарида жойлашган қувурўтказгичларнинг иссиқлик изоляцияси сиртларидаги ҳарорат қоплама қатлами материалларини қўллаш ҳарорати чегараларидан юқори бўлмаслиги (лекин 75 °С дан ошмаслиги) лозим.

и) атрофдаги ҳавонинг ҳароратидан пастроқ ҳароратли моддаларга эга бўлган ускуна ва қувурўтказгичлар иссиқликни изоляция қилувчи қопламанинг қатламида атрофдаги ҳаводан намликни конденсацияланишини олдини олиш учун ушбу ҳисоблашни фақат хона ичида жойлашган изоляцияланувчи сиртлар учун бажарилиши лозим.

Ҳавонинг ҳисобий нисбий намлиги лойиҳалаш топшириғига асосан қабул қилиниб, у 60 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

к) конденсацияланган сув буғлари эриганда, агрессив моддалар ҳосил бўлишига олиб келувчи сув буғлари ёки сув буғлари ва газларга эга бўлган газсимон моддалар ташувчи объектларнинг ички сиртларида намликни конденсацияланишини олдини олиш учун ҳисобланади.

45. Иссиқлик изоляциясини ҳисоблаш усули мазкур ШНҚнинг 10-иловасида келтирилган.

6-боб. Иссиқликни изоляцияловчи конструкциялар

46. Толали материаллар ва буюмлардан тайёрланган саноат иссиқликни изоляция қилувчи конструкцияларнинг ҳисобий қалинлигини 10 та каррали қийматларгача яхлитлаш ҳамда мазкур ШНҚнинг 11-иловасига мувофиқ қабул қилиш лозим. Қаттиқ ғовакдор материаллар ва пенопластлар учун ҳисобий катталикка яқин буюмлар танланиши лозим.

47. Зичланмайдиган материаллардан тайёрланган иссиқлик изоляцияси қатламининг энг кичик қалинлиги қуйидагича танланади:

тўшамалар (мат), бўз мато, шнурлар билан изоляцияланганда — 30 mm;

қаттиқ шакллантирилган буюмлар ҳолида — техникавий шартларда кўзда тутилган энг кичик қалинликка тенг;

толали зичланувчан материаллардан тайёрланган буюмлар билан изоляциялашда — 40 mm.

48. Қувурўтказгичларни тоннелларда ва ўтиб бўлмайдиган каналларда ер остидан ўтказилганда, иссиқликни изоляция қилувчи конструкциянинг чегаравий қалинлиги мазкур ШНҚнинг 12-иловасида келтирилган.

49. Зичланувчан материаллардан тайёрланадиган иссиқлик изоляция буюмларнинг қалинлиги ва ҳажми мазкур ШНҚнинг 13-иловаси бўйича изоляцияланувчи сиртга ўрнатилишдан олдин аниқланиши лозим.

50. Ҳарорати 250 °С дан юқори ва минус 60 °С дан пастроқ сиртлар учун бир қатламли конструкциялардан фойдаланилмайди. Кўп қатламли конструкциялар ҳолатида навбатдаги

қатламлар олдингисининг чокларини ёпиши лозим. Қаттиқ шакллантирилган буюмлар билан изоляциялашда ҳарорат чоклари ўринларида толали материаллардан ёпмалар кўзда тутилиши лозим.

51. Қоплама қатлами учун ишлатиладиган металл листлар ва тасмалар қалинлиги иссиқликни изоляция қилувчи конструкциянинг ташқи диаметри ёки шаклига боғлиқ равишда мазкур ШНҚнинг 14-иловасига мувофиқ бўлиши лозим.

52. Қоплама қатламини емирилишдан сақлаш учун қуйидагилар кўзда тутилиши лозим:

пўлат том ёпма учун ишлатилганда бўялиши;

алюминий ва алюминий қотишмаларидан тайёрланган листлар ва тасмалар учун иссиқлик изоляция қатлами бўялмаган пўлат тўр ёки пўлат каркас ўрнатилганда — қоплама қатлам тагида ўрама материалдан қистирма жойланиши.

53. Иссиқлик изоляция қилувчи конструкцияда иссиқлик изоляция қатламнинг иш жараёнида қайишиши ва сирпаниб кетишини истисно қилувчи тадбирлар кўзда тутилиши лозим.

Қувурўтказгичлар ва ускуналарнинг тик жойларида баландлик бўйича ҳар бир 3-4 m да таянч конструкциялар кўзда тутилиши лозим.

54. Ҳимояланувчи сиртларда маҳкам буюмлар ГОСТ 17314 га мос тарзда жойлаштирилади.

55. Иссиқликни изоляция қилувчи конструкциялар манфий ҳароратли сиртда маҳкамлаш учун кўзда тутилган қисмлар емирилишдан ҳимоя қопламасига эга бўлиши ёки емирилишга бардошли материаллардан тайёрланишлари лозим.

56. Изоляцияланувчи сиртга тегиб турувчи маҳкамловчи қисмларни қуйидагича тайёрлаш лозим:

ҳарорати минус 40 дан 400 °С гача сиртлар учун — карбонли пўлатдан;

ҳарорати плюс 400°С дан юқори ва минус 40°С дан пастроқ бўлган сиртлар учун изоляцияланувчи сирт материалидан.

Атрофдаги ҳавонинг ҳисобий ҳарорати минус 40 °С дан пастроқ бўладиган минтақаларда очиқ ҳавода жойлашган ускуна ва қувурўтказгичлар иссиқликни изоляция қилувчи конструкцияларнинг асосий ва қоплама қатламлари маҳкамлаш қисмларини легирланган пўлатдан ёки алюминийдан тайёрлаш лозим.

57. Ҳарорат чокларини горизонтал қувурўтказгичларнинг қоплама қатламларида тўлдиргичлар, таянчлар ва бурилишлар яқинида, тик қувурўтказгичларда эса таянч конструкциялар ўрнатилган жойларда кўзда тутиш лозим.

58. Атроф ҳавосининг ҳисобий ҳарорати минус 40 °С ва пастроқ бўлган минтақаларда очиқ ҳавода жойлашган ускуна ва қувурўтказгичлар иссиқлик конструкциялари қоплама қатламлари учун материал танлашда материалларнинг техникавий шартлар бўйича қўлланиш ҳарорати чегараларини ҳисобга олиш лозим.

59. Моддаси манфий ҳароратли ускуналар ва қувурўгказгичларнинг иссиқликни изоляция қилувчи конструкцияларида қоплама қатламини аксарият ҳалқалар воситасида маҳкамлаш кўзда тутилиши лозим.

60. Изоляцияланадиган конструкциянинг диаметри 800 mm дан ортиқ бўлганда, қоплама қатламини винтлар воситасида маҳкамлаш мумкин.

ШНҚ 2.04.14-22 «Ускуналар ва қувурўтказгичларни иссиқлик изоляцияси» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
1-ИЛОВА

Манфий ҳароратли (моддали) ускуналар ва қувурўтказгичлардаги буғ ўтказмайдиган материалнинг қатламлари сони ва иссиқлик изоляция қилувчи конструкциянинг хизмат қилиш муддати

Буғ ўтказмайдиган материал	Қалинлиги, mm	Буғ ўтказмайдиган материалнинг қатламлари сони ва иссиқлик изоляция қилувчи конструкциянинг хизмат қилиш муддати					
		минус 60 дан минус 19 °С гача		минус 61 дан минус 100 °С гача		минус 100 °С дан паст	
		8 йил	12 йил	8 йил	12 йил	8 йил	12 йил
Полиэтилен пленка, ГОСТ 10354	0,15-0,2 0,21-0,3 0,31-0,5	2 1 1	2 2 1	2 2 1	2 2 1	3 2 1	- 3 2
Альюмин фольга,	0,06-0,1	1	2	2	2	2	2
Изол ГОСТ 10296	2	1	2	2	2	2	2
Рубероид, ГОСТ 10923	1 1,5	3 2	- 3	- 3	- -	- -	- -

Изоҳлар:

1. Полиэтилен пленкани елимланувчи поливинилбутирал пленкага алмаштириш мумкин.

2. Буғ ўтказишга қаршилиги мазкур жадвалдагидан кам бўлмаган даражани таъминловчи бошқа материаллардан фойдаланиш мумкин.

Буғ ўтказувчанлик коэффициенти 0,1 mg/(m•h•Pa) дан кам бўлган ғовакликка эга бўлган материаллар учун барча ҳолларда битта буғ ўтказмайдиган қатлам қабул қилинади. Полиуретанни қўйиш пайтида буғ ўтказмайдиган қатлам ўрнатилмайди.

Буғ ўтказмайдиган қатламнинг чоклари герметик бўлиши лозим. Изоляция қилинадиган сирт ҳарорати минус 60 °С дан паст бўлган холда, қоплама қатлами герметикланган ёки плёнкали ёпиштирувчи материаллар билан ёпиштирилган бўлиши керак.

Конструкцияларда иссиқлик изоляция қатламининг бутун қалинлиги бўйлаб ўтадиган металл маҳкамлагичлардан фойдаланмаслик керак.

Маҳкамлагичлар ёки уларнинг қисмлари иссиқлик ўтказувчанлиги 0,23 W/(m•°C) дан ошмайдиган материаллардан таъминланиши керак.

Ёғочли маҳкамлаш қисмларига антисептикли модда суртилиши лозим. Маҳамлагичларнинг пўлат қисмлари битум лаки билан бўялиши керак.

ШНҚ 2.04.14-22 «Ускуналар ва қувурўтказгичларни иссиқлик изоляцияси» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
2-ИЛОВА

Иссиқлик изоляция материаллари ва буюмларининг ҳисобий ва техник тавсифлари

Материал, буюм,	**Конструкциядаги ўртача зичлик ρ, kg/m³**	**Конструкциядаги иссиқлик изоляция материалининг иссиқлик ўтказувчанлиги λk, W/(m·°C)**		**Қўллаш ҳарорати, °C**	**Ёнувчанлик гуруҳи**
		сиртлар ҳарорати, °C			
		20 °C ва ундан юқори	**19 °C ва ундан пастроқ**		
ФРП-1 пенопласт ва резопен буюмлар, гуруҳлар:					қийин ёнувчи
75	65 — 85	0,041+0,00023 t_m	0,051-0,045	минус 180 дан 130 гача	
100	86 — 110	0,043+0,00019 t_m	0,057-0,051	минус 180 дан 150 гача	
Перлитцемент буюмлар, маркаси:				20 дан 600 гача	ёнмайдиган
250	250	0,07+0,00019 t_m	-		
300	300	0,076+0,00019 t_m	-		
350	350	0,081+0,00019 t_m	-		
Оҳак-силикатли иссиқлик изоляция қилувчи буюмлар, маркаси:				20 дан 600 гача	ёнмайдиган
200	200	0,069+0,00015 t_m	-		
225	225	0,078+0,00015 t_m	-		
Иссиқлик изоляцияси учун минерал-момиқ (вата)ли гофраланган тузилишли	Изоляциялануви сирт диаметрига боғлиқ тарзда		0,054-0,05	минус 60 дан 400 гача	ёнмайдиган

буюмлар, маркаси: 75 100	 66 — 98 84 — 130	 0,041+0,00034 t_m 0,042+0,0003 t_m			
Вулқон моддаларидан тайёрланган иссиқлик изоляцияси буюмлари, маркаси: 300 350 400	 300 350 400	 0,074+0,00015 t_m 0,079+0,00015 t_m 0,084+0,00015 t_m	 - - -	20 дан 600 гача	ёнмайдиган
Тикилган минерал момиқ тўшамалар, маркалари: 100 125	 102 — 132 133 — 162	 0,045+0,00021 t_m 0,049+0,0002 t_m	 0,059-, 054	минус 180 дан 450 гача, тўр, шиша толя матодан тушама: 700 гача металл тўрда, минус 180 дан	ёнмайдиган
Базальтдан товуш ютувчи тўшамалар	80 гача	0,04+0,0003 t_m	-	минус 180 дан 450 гача матолик қобиқда 700 гача металл тўрда	ёнмайдиган
Синтетик боғловчили, шиша штапел толадан тушамалар, маркалари: МС-35 МС-50	 40 — 56 58 — 80	 0,04+0,0003 t_m 0,042+0,00028 t_m	 0,048 0,047	минус 60 дан 180 гача	ёнмайдиган
Боғлавчисиз ўта нозик шиша толадан ва момиқ тўшамалар	60 — 80	0,033+0,00014 t_m	0,044-,037	минус 180 дан 400 гача	ёнмайдиган
Синтетик боғловчили					ёнмайдиган

минерал-момиқ (вата)дан иссиқлик изоляция буюмлари, маркаси:					
50	55 — 75	0,04+0,00029 t_m	0,054-0,05	минус 60 дан 400 гача	
75	75 — 115	0,043+0,00022 t_m	0,054-0,05		
125	90 — 150	0,044+0,00021 t_m	0,057-0,051	минус 180 дан 400 гача	
175	150 — 210	0,052+0,0002 t_m	0,06-0,054		
Ярим қаттиқ техник шиша штапел толали плиталар, маркалари:			0,053	минус 60 дан 180 гача	қийин ёнувчи
ППТ-50	42 — 58	0,042+0,00035 t_m			
ППТ-75	59 — 86	0,044+0,00023 t_m			
Битум боғловчили минерал пахтдан иссиқлик изоляция материали, маркаси:				минус 100 дан 60 гача	75-марка ёнмайдиган қолганлари ёнувчан
75	75 — 115	-	0,054-0,057		
100	90 — 120	-	0,054-0,057		
150	121 — 180	-	0,058-0,062		
200	151 — 200	-	0,061-0,066		
Резол фенолформалдегид, смола асосидаги пенопластдан иссиқлик изоляция материали, маркаси:				минус 180 дан 130 гача	қийин ёнувчи
50	50 дан ортиқ	0,04+0,00022 t_m	0,049-0,042		
80	70 — 80 дан ортиқ	0,042+0,00023 t_m	0,051-0,045		

90	80 дан ортиқ 100 гача	0,043+0,00019 t_m	0,057-0,051		
Шиша толали тикилган қалин матолар, маркалар: ХПС-Т-5 ХПС-Т-2,5	 180 — 320 130 — 230	 0,047+0, 00023 t_m	 0,053-0, 047	минус 200 дан 550 гача	ёнмайдиган
Кўпчиган майда перлит қум, маркалар: 75 100 150	 110 150 225	 0,052+0,00012 t_m 0,055+0,00012 t_m 0,058+0,00012 t_m	 0,05-0,042 0,054-0,047 -	минус 200 дан 875 гача	ёнмайдиган
Синтетик боғловчили минерал момиқ (вата) ярим цилиндр ва цилиндрлар, маркалар: 100 150 200	 75 — 125 126 — 175 176 — 225	 0,049+0,00021 t_m 0,051+0,0002 t_m 0,053+0,00019 t_m	 0,047-0,053 0,054-0,059 0,062-0,057	минус 180 дан 400	ёнмайдиган
Пенополиэтирол плиталар, маркалар: 20 25 30,40	 20 25 30,40	 - - -	 0,048-0,04 0,044-0,035 0,042-0,032	минус 180 дан 70 гача	ёнувчи
Плитабоп пенопласт, маркалар: ПС-4-40 ПС-4-60	 40 60	 - -	 0,041-0,032 0,048-0,039		ёнувчи
Плитабоп пенопласт ПХВ, маркалар: ПХВ-1-85	 85	 -	 0,04-0,03	минус 180 дан 60 гача	ёнувчи

ПХВ-1-115 ПХВ-1-150	115 150	- -	0,043-0,032 0,047-0,036		
Плитабоп пенопласт, маркаси: ПВ-1	65,95	-	0,043-0,032	минус 180 дан 60 гача	ёнувчи
Қайишоқ поливинилхлорид пенопласт ПВХ-Э	150	-	0,05-0,04	минус 180 дан 60 гача	ёнувчи
Термореактив пенопласт ФК-20 ва ФФ, қаттиқ, маркалар: ФК-20 ФФ	 170,200 170,200	 - -	 0,055-0,052 0,055-0,052	 0 дан 20 гача минус 60 дан 150 гача	 ёнувчи қийин ёнувчи
Пенополиуритан ППУ331/3 (кўйилувчан)	40 — 60 60 — 80	- -	0,036-0,031 0,037-0,032	минус 180 дан 120 гача	ёнувчи
Полиуритан қайишоқ пенопласт ППУ-ЭТ	40 — 50	-	0,043-0,038	минус 60 дан 100 гача	ёнувчи
Шишали иссиқлик изоляцияловчи игнабоп мато, маркалар: ИПС-Т-l000	140	0,047+0,00023 t_m	0,053-0,047	минус 200 дан 550 гача	ёнмайдиган
Шиша комплекс толалардан ровинг (чилвир),	200 — 250	-	0,065-0,062	минус 180 дан 450 гача	ёнмайдиган
Асбест чилвир, маркалар: ШАП ШАОН	 100 — 160 750 — 600	 0,093+0,0002 t_m 0,13+0,00026 t_m	 - -	 20 дан 220 гача 20 дан 400 гача	 қийин ёнувчи ёнмайдиган
Минерал момиқ (вата)дан изоляция қилувчи чилвир, маркалар: 200 250	 200 250	 0,056+0,00019 t_m 0,058+0,00019 t_m	 0,069-0,068 -	минус 180 дан 600 гача, тўрсимон най материалига боғлик холда	металл симдан, шишадан ясалган тўрсимон найларда, ёнмайдиган; қолганларида қийин ёнувчи

Тоғ-жинслардан микроультра ўта ингичка шиша кристалл штапел толадан тўқилган матолар, маркаси: БСТВ-ст	80 гача	0,041+0,00029 t_m	0,04	минус 269 дан 600 гача	ёнмайдиган
Минерал момиқ (вата)	80 —100	0,045+0,00021 t_m	-	700 гача	қийин ёнувчи

Изоҳ:

1. t_m — иссиқлик изоляцияси қатламининг ўртача ҳарорати, — °С;

$t_m = \frac{t_w + 40}{2}$ — ёз фаслида очиқ ҳавода, хоналарда, каналларда, ер ости йўлларида, техник ертўлаларда, чордоқдарда ва бино ертўлаларида; $tm = \frac{t_w}{2}$ — қиш фаслида очиқ ҳавода, бунда t_w, — модда ҳарорати.

2. Ҳарорати 19°С ва ундан пастроқ сиртли иссиқлик изоляцияси материалларининг ҳисобий. иссиқлик ўтказувчанлик қийматларининг каттароқ қийматли моддасининг ҳарорати минус 60 дан 20°С гача, кичикроқлари — минус 140°С ва ундан пастроқ ҳароратли конструкцияларга тўғри келади.

3. Ҳароратларининг оралиқ қийматлари учун иссиқлик ўтказувчанлик интерполяция орқали аниқланади.

4. Сиртларни қаттиқ материаллардан фойдаланиб изоляцияланганда, ҳисобий иссиқлик ўтказувчанликни 10 % га ошириш лозим.

5. 15 ва 16-бандлар талабларига жавоб берувчи бошқа материаллардан фойдаланиш мумкин.

ШНҚ 2.04.14-22 «Ускуналар ва қувурўтказгичларни иссиқлик изоляцияси» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
3-ИЛОВА

Қувурўтказгичларни каналсиз ётқизишда қўлланиладиган материалларнинг ҳисобий техник тавсифномалари

Материал	**Қувурўтказгичларнинг, mm**	**Ўртача зичлик ρ, kg/m³**	**Қуруқ материалларнинг иссиқлик ўтказувчанлиги, λ, W/(m·K), 20 °C да**	**Модданинг энг юқори ҳарорати, °C**
Армопенобетон	150 — 800	350 — 450	0,105-0,13	150
Битумперлит	50 — 400	450 — 550	0,11-0,13	130*
Битумвермикулит	500 гача	600	0,13	130*
Битумкерамзит	500 гача	600	0,13	130*
Пенополиуретан	100 — 400	60 — 80	0,05	120
Пенополимербетон	100 — 400	400	0,07	150
Яхлит фенольпоропласт ФЛ	1000 гача	100	0,05	150
** Изоҳ: Иссиқлик узатишнинг сифатли усулида 150 °C ҳароратгача қўллаш мумкин*				

ШНҚ 2.04.14-22 «Ускуналар ва қувурўтказгичларни иссиқлик изоляцияси» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
4-ИЛОВА

Иссиқлик изоляциясининг қоплама қатлами учун қўлланиладиган материаллар

Материал	Қўлланиладиган қалинлик, mm	Ёнувчанлик гуруҳи
1. Темир асосида		
Алюминий ва алюминий қотишмадан металл листлар, маркалари: АДО, АД1, АМц АМr2, В95	0,3; 0,5-1	Ёнмайдиган
Алюминий ва алюминий қотишмадан листлар, АДО, АД1, АМц, АМr2, В95	0,25-1	Ёнмайдиган
Узлуксиз линияларда тайёрланган руҳланган юпқа пўлат лист,	0,35-1	Ёнмайдиган
Том қопламаси учун юпқа пўлат лист,	0,5-0,8	Ёнмайдиган
Сифатли ва оддий карбонли юпқа прокат лист,	0,35-1	Ёнмайдиган
Қувурўтказгичлар тармоқланмалари иссиқликни изоляция қилувчи конструкциялари учун гофрали қобиқлар, ОСТ 36-67	0,2 2,5	Ёнмайдиган Ёнувчи
Полимер қопламали совуқ чўзилган ўрама пўлат (металлпласт)	0,8-1,3	Кийин ёнувчи
2. Синтетик полимерлар асосида		
Конструкциявий шиша текстолит КАСТ-В,	0,5-1,2	Ёнувчи
Қувўрутказгичларнинг иссиқлик изоляцияси қопламаларини ҳимоялаш учун армопластмасса материаллар, АПМ-1 АПМ-2 АПМ-К	 2,2 2,1 2,1	 Ёнувчи Қийин ёнувчи Ёнувчи
Ўрама шишапластик РСТ, маркалари РСТ-А, РСТ-Б, РСТ-Х	0,25-0,5	Қийин ёнувчи
ФСБ маркали шишапластик (қоплама фенол шишапластик),	0,3; 0,6	Ёнувчи
Каландрланган винипласт пленка КПО,	0,4-1	Ёнувчи
Иккиламчи поливинилхлорид ашёдан тайёрланган пленка,	1,3	Ёнувчи
Ёпма шишатекстолит лист СТПЛ, маркалари: СТПЛ-СБ СТПЛ-ТБ СТПЛ-ВП	 0,3 0,5 0,8	Қийин ёнувчи
3. Табиий полимерлар асосида		
Рубероид, маркаси РКК-420	2-3	Ёнувчи
Шиша рубероид,	2,5	Ёнувчи
Том ёпма ва гидроизоляция толи, маркалари: ТКК-350, ТКК-400	1,0-1,5	Ёнувчи
Том ёпма пергамини,	1,0-1,5	Ёнувчи

Шиша мато билан қопланган рубероид	-	Ёнувчи
Изол,	2	Ёнувчи
4. Минераллар асосида		
Иссиқлик ҳимоя конструкциялари учун текстолитли шишацемент	1,5-2	Ёнмайдиган
Ясси асбестцемент листлар	6-10	Ёнмайдиган
Умумлаштирилган шаклли тўлқинсимон асбестцемент листлар	5-8	Ёнмайдиган
Асбестцемент сувоқ	10-20	Ёнмайдиган
5. Фольга қўшимчали		Қоғоз ва картонга қўшилганда ёнувчи, қолган холларда — қийин ёнувчи
Иссиқликни изоляция қилувчи конструкциялари учун қўшимча алюминли фольга	0,5-1,5	
Қувурўгказгичларни иситиш гидроизоляцияси учун фольга-рубероид	1,7-2,0	Ёнувчи
Фольгоизол	2,0-2,5	Ёнувчи
Изоҳ: қоплама қатламлари металл листдан тайёрланганда атроф муҳит ва ишлаб чиқаришнинг агрессивлигини ҳисобга олиш лозим.		

ШНҚ 2.04.14-22 «Ускуналар ва қувурўтказгичларни иссиқлик изоляцияси» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
5-ИЛОВА

1-жадвал

Очиқ ҳавода жойлашган ва бир йил давомида ишлаш соати миқдори 5000 дан ортиқ бўлганда иссиқлик оқими зичлигининг меъёрлари

Қувурўтказгичнинг шартли ички диаметри, mm	**Иссиқлик ташувчининг ўртача ҳарорати, °C**												
	20	**50**	**100**	**150**	**200**	**250**	**300**	**350**	**400**	**450**	**500**	**550**	**600**
	Иссиқлик оқими сирти зичлигининг меъёрлари, W/m												
15	4	10	20	30	42	55	68	83	99	115	133	152	172
20	5	11	22	34	47	60	75	91	108	127	147	167	188
25	5	13	25	37	52	66	82	99	117	137	158	180	203
40	7	15	29	44	59	77	95	115	136	158	182	206	232
50	7	17	31	47	64	82	102	123	145	168	193	219	246
65	9	19	36	54	72	93	114	137	162	187	214	243	272
80	10	21	39	58	77	99	122	147	172	200	228	258	279
100	11	24	43	64	85	109	134	160	187	216	247	278	311
125	12	27	49	70	93	122	149	178	208	240	273	308	344
150	14	30	54	77	102	134	164	194	226	260	296	333	372
200	18	37	65	93	122	159	194	228	266	305	345	387	431
250	21	43	75	106	138	179	215	254	294	337	381	426	474
300	25	49	84	118	155	198	239	280	324	370	418	467	518
350	28	55	93	131	170	218	261	306	353	403	454	507	561
400	30	61	102	142	185	236	282	330	380	433	487	543	601
450	33	65	109	152	197	252	301	351	404	460	516	575	638
500	36	71	119	166	211	271	322	376	431	491	550	612	678
600	42	82	136	188	240	306	363	422	483	548	614	684	754
700	48	92	151	209	264	337	399	463	529	599	672	745	820
800	53	103	167	213	292	371	438	507	579	654	733	811	892
900	59	113	184	253	319	405	477	551	628	709	793	877	962
1000	65	124	201	275	346	438	516	595	677	763	853	930	1033
Диаметри 1020 mm дан каттароқ эгри чизиқли ва ясси сиртлар	Иссиқлик ташувчининг ўртача ҳарорати, °C												
	20	50	100	150	200	250	300	350	400	450	500	550	600
	Иссиқлик оқими сирт зичлигининг меъёрлари, W/m²												
	19	35	54	70	85	105	120	135	150	165	180	194	209
Изоҳ: иссиқлик оқими зичлиги меъёрларининг оралиқ қийматларини интерполяция усулида аниқлаш лозим													

2-жадвал

Очиқ ҳавода жойлашган ва бир йил давомида ишлаш соати миқдори 5000 ва ундан камроқ бўлганда иссиқлик оқими зичлигининг меъёрлари

Қувурўтказгичнинг шартли ички диаметри, mm	**Иссиқлик ташувчининг ўртача ҳарорати, °C**												
	20	**50**	**100**	**150**	**200**	**250**	**300**	**350**	**400**	**450**	**500**	**550**	**600**
	Иссиқлик оқими сирти зичлигининг меъёрлари, W/m												
15	5	11	22	34	46	59	74	90	106	124	143	163	185
20	6	13	25	38	52	66	82	99	118	138	158	180	203
25	6	15	28	42	57	73	90	108	127	149	171	195	219

40	8	18	33	49	66	86	105	126	149	173	199	225	253
50	9	19	36	53	71	91	113	135	159	184	212	240	269
65	10	23	41	61	81	104	127	152	178	207	237	268	299
80	11	25	45	66	87	112	137	163	191	221	253	285	319
100	13	28	50	73	97	123	150	178	208	241	275	309	345
125	15	32	56	81	107	139	168	200	233	269	306	344	383
150	18	35	63	89	118	153	185	219	256	294	332	372	415
200	22	44	77	109	142	184	221	262	303	346	391	438	486
250	26	51	88	125	161	207	248	293	336	385	434	485	538
300	30	59	101	140	181	231	278	324	374	426	479	534	591
350	35	66	112	155	200	255	305	355	409	466	523	582	643
400	38	73	122	170	217	276	331	386	442	502	563	626	691
450	41	80	132	182	233	298	353	412	471	535	599	665	734
500	45	88	143	197	251	322	379	442	506	573	641	711	783
600	53	100	165	225	288	365	432	499	570	644	719	796	876
700	60	114	184	250	319	404	475	550	626	707	788	871	956
800	67	128	205	278	353	447	526	605	688	775	863	953	1045
900	75	141	226	306	388	487	574	660	749	843	937	1034	1132
1000	83	155	247	333	421	531	622	715	810	911	1011	1114	1223
Диаметри 1020 mm дан каттароқ эгри чизиқли ва ясси сиртлар	Иссиқлик ташувчининг ўртача ҳарорати, °C												
	20	50	100	150	200	250	300	350	400	450	500	550	600
	Иссиқлик оқими сирт зичлигининг меъёрлари, W/m²												
	25	44	71	88	108	133	152	165	190	209	227	245	265
Изоҳ: иссиқлик оқими зичлиги меъёрларининг оралиқ қийматларини интерполяция усулида аниқлаш лозим.													

3-жадвал

Қувурўтказгичлар хонада ва тоннелда жойлашганда ҳамда бир йил давомида ишлаш соати миқдори 5000 дан ортиқ бўлганда иссиқлик оқими зичлигининг меъёрлари

Қувурўтказгичнинг шартли ички диаметри, mm	**Иссиқлик ташувчининг ўртача ҳарорати, °C**											
	50	**100**	**150**	**200**	**250**	**300**	**350**	**400**	**450**	**500**	**550**	**600**
	Иссиқлик оқими сирти зичлигининг меъёрлари, W/m											
15	8	18	28	40	53	66	81	96	114	132	150	170
20	9	20	32	45	58	73	89	106	125	145	165	186
25	10	22	35	49	64	79	97	115	135	156	178	200
40	12	26	41	57	74	93	112	134	156	179	204	230
50	13	28	44	61	80	99	120	142	166	190	216	243
